Чор Русиясининг Марказий Осиёни узок йиллар мустамлака кишанларида тутиб тургани тарихдан маълум. Уларнинг бу улкан худудни ўз тасарруфларида тутиб туришларининг асл максади ўзлари даъво килгандай Туркистон халкларига тараккиёт ва маданият олиб келиш эмас, мазлум халкни тинимсиз ишлатиш хисобига топилган бойликларни юртларига ташиб кетиш, кўп йиллар гуллаб-яшнаган ўлкани иложи борича талон-тарож килиш эди. Бунга узокдан дадил кидирмайлик-да, яхшиси мустамлакачиларнинг вакилларига ва кўзи очик мутафаккирларнинг сўзларига мурожаат кила колайлик:
Бу халкка (ўрта осиёликлар — туркистонликларга) иложи борича, мумкин кадар кўпрок пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халкнинг бошка нарсаларни ўйлашга, сиёсий вокеаларни англаб етишга бир зум хам вакти, хохиши колмасин... Амир исёнкорларидан бирортаси хам асир олинмасин, кулга тушганларнинг хаммаси, хаттоки ярадорлар хам отиб ташлансин!... Биз хон билан эмас, балки халк билан тўкнашдик. Уни бостириш осон бўлмади, Руслар Ўрта Осиёда бундай (Кўкондагидек) узок ва каттик каршиликка дуч келмаган эдилар...
Улуг рус подшохи бизга кўшни давлатларда хон ва халк ўртасида низо чикишига йўл кўймаслигига инончимиз комил...
Фон Кауфман, Туркистон генерал-губернатори.

Ўлкани (1860-70-йилларда Ўрта Осиё ва Козогистонни) руслар эгаллаганидан кейин ахолининг ахволи кундан-кунга ёмонлашиб ва огирлашиб борди. Ахолидан биз кўп нарсани талаб этмокдамиз. Улардан солик йигишда эса биз тобора юксакликка кўтарилмокдамиз, лекин халкка нима килдик? Тошкентда ва турли комиссияларда айтилган сўзлардан бошка халк хўжалиги учун биз хеч нарса килмадик.
Ч. Раевский, чор Россияси амалдори.

Туркистон ўлкаси Россияга фойда келтириши мумкин бўлибгина колмай, балки шундай килишга мажбурдир. Бу фойдалар Россиянинг ўлкани истило килиш давридаги хамда курилиш ишларига кетган харажатларни коплаши керак.
Россия империяси харбий вазирлигининг 1906 йил март ойида граф Вите жаноблари номига йўллаган мактубидан.

Приставларнинг хокимлик суришлари шу даражага етдики, улар, хатто масжидларга кўнгирок осиш харакатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва хукмдорликларини кўрсатмок учун намоз вактида масжидга итлар билан кириб келдилар...
Туркистонда ишлатилмокда бўлган ерларнинг 55 фоизи рус келгиндиларининг кўлига ўтди. Шундай килиб, чор хукумати Туркистонда ерли халкларни эзишдан бошка хеч бир иш кўрсатмади. Ўзининг кетинда (оркада) колганлиги ва фойдалана олмаганлиги сабабли, чор хукуматининг энг бой бўлган тог маъданларини ишлатишга хеч кимга ихтиёр бўлмади...
Турор Рискулов, давлат ва жамоат арбоби.

Биз Туркистонга маданият олиб келдик, деб ўйлаймиз. Бўйсундирилган осиёликларга тинчлик ва осойишталик бердик, деб ўзимизни овутамиз. Аммо буларда (туркистонликларда) хам бир олий туйгу борки, бу миллат ва унинг миллий ифтихоридир.

Мусулмонлар ахволини тушунишимиз керак. Сиёсий ўлим (миллий давлатчиликнинг йўкотилиши) огир, миллий ўлим эса ундан хам огиррокдир. Бизнинг хукмронлигимизда улар худди шундай ахволга тушдилар. Бас, шундай экан, хукмронлигимизга карши галаёнлар рўй берса, ажабланишга ўрин йўк. Шундай миллий манфаатлар борки, улар халк оч ёки тўклигидан катъи назар, бир кунмас бир кун ўзини намоён этажак.
Н. Н. Веселовский, тарихчи.

Агар рус хукумати ўз даврида илм-фаннинг канчадан-канча яловбардорларини етказган шонли араб мадрасаларини мусулмон фукаролари учун рус замонида кайта тиклаганларида эди, Ватан ва инсоният олдида буюк хизмат килган бўларди...
Биз — туркий халклар кадим-кадимдан Мармар денгизидан Хитой деворигача ёйилган йирик бир тарихий этнографик бирлик ўларок яшаб келдик, худди шундай яшамогимиз керакдир...
Руслаштириш авжида, Идил-Волга бўйидаги татарлар орасидан бирор мансабдор у ёкда турсин, масжидга имом хам миссионер Н. Илминский рухсатисиз тайинланмайди. Туркистонда Остроумов тўра, Кавказнинг хам ўз тўралари (руслар)дан бошкасини миллат деб хисобламайдилар...
Исмоилбек Гаспирали, буюк маърифатпарвар адиб.